*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 23 (6913). ● 3 февраль, 1979 йил ◆ ШАНБА ○ Баҳоси 2 тийин.

**АЗИЗ ЎРТОҚЛАР, СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАЛАРИ ИТТИФОҚИНИНГ ГРАЖДАНЛАРИ, КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ СИЗЛАРНИ КОММУНИСТЛАР БИЛАН ПАРТИЯСИЗЛАР БЛОКИНИНГ НОМЗОДЛАРИ УЧУН ЯКДИЛ БЎЛИБ ОВОЗ БЕРИШГА ДАЪВАТ ЭТАДИ. СИЗЛАР ОВОЗ БЕРИШ БИЛАН ОКТЯБРЬ ИШИГА, ПАРТИЯ ИШИГА СОДИҚЛИГИНГИЗНИ, КПСС XXV СЪЕЗДИ РЕЖАЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШГА АЗМУ ҚАРОР БЕРГАНЛИГИНГИЗНИ, ЛЕНИНЧАСИГА, КОММУНИСТЧАСИГА ЯШАШ, ИШЛАШ ВА КУРАШИШГА ИНТИЛАЁТГАНЛИГИНГИЗНИ ЯНА БИР КАРРА НАМОЙИШ ҚИЛАСИЗ!**

## СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАЛАРИ ИТТИФОҚИНИНГ БАРЧА САЙЛОВЧИЛАРИ, ГРАЖДАНЛАРИГА

## СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ

# МУРОЖААТИ

Азиз ўртоқлар! Совет Иттифоқи гражданлари!

1979 йил 4 март куни СССР Олий Советига депутатлар сайланади. Бу — мамлакат ҳаётида муҳим воқеадир.

Сайлов кампанияси зўр сиёсий активлик ва меҳнат жўшқинлиги вазиятида ўтмоқда, меҳнаткашларнинг Коммунистик партия теварагидаги маҳкам жипслигини, партиянинг ички ва ташқи сиёсатини бутун халқ маъқуллаб, астойдил қўллаб-қувватлаётганлигини намойиш қилмоқда.

КПСС сайловга аввалдагидек партиясизлар билан маҳкам иттифоқ бўлиб бормоқда. Коммунистлар билан партиясизларнинг блоки партия билан халқнинг бузилмас бирлигини мужассамлаштиради. Бу бирлик барча муваффақиятларимизнинг манбаидир, коммунизм тўла тантанасининг гаровидир.

Меҳнаткашлар билан маслаҳатлашиш, коллектив тажрибага, омманинг ижодий ташаббуси ва онглилигига таяниш партиянинг ленинча анъанасидир. Бугун ҳам КПСС Марказий Комитети совет халқига Мурожаат қилар экан, мамлакатнинг СССР Олий Советига аввалги сайловдан кейин ўтган даврдаги ривожланиш якунлари тўғрисида маълумот беришни, бутун диққат-эътиборни хўжалик ва маданий қурилишнинг энг муҳим вазифаларига қаратишни зарур деб ҳисоблайди.

Шу йилларда мамлакат ҳаётида катта-катта воқеалар кўп бўлди, КПСС XXV съезди бўлиб ўтди, бу съезд Коммунистик бунёдкорликнинг улуғвор программасини ишлаб чиқди. СССР Олий Совети халқнинг ҳоҳиш-иродасини ифодалаб, умумхалқ социалистик давлатининг асосий қонуни бўлган янги Конституцияни қабул этди. Улуғ Октябрь 60 йиллигининг байрам қилиниши социализм жаҳоншумул тарихий ютуқларининг яққол намойиши бўлди.

Бизнинг мамлакатимизда дунёда биринчи ривожланган социализм жамияти барпо этилганлиги билан ҳаммамиз фахрланамиз. Бу ғалаба — кўп миллатли омма чинакам баҳодирона куч-ғайратларининг натижасидир. Совет кишилари барча авлодларининг ақл заковати ва меҳнати, мардлиги ва фидокорлиги, билими ва тажрибаси шу ғалабада мужассамлашган. Ватаннинг муваффақиятлари қалбларимизга комил ишонч бахш этади, янги-янги зафарларга руҳлантиради.

Сайловчи ўртоқлар!

Халқимиз КПСС XXV съездининг қарорларини амалга ошира бориб, **ишлаб чиқарувчи кучларни** ривожлантиришда катта муваффақиятларга эришди. Совет кишиларининг меҳнати билан вужудга келтирилган улкан ишлаб чиқариш потенциали халқ фаровонлигини оширишнинг бош омили бўлган экономиканинг мудом ривожланишини, мамлакат мудофаасини муносиб даражада тутишни таъминлайди.

Социалистик индустрия муттасил ривожланмоқда. 1974—1978 йилларда аввалги беш йилга нисбатан 1,4 баравар кўп саноат маҳсулоти ишлаб чиқарилди. Маҳсулотни кўпайтиришнинг салкам бешдан тўрт қисмига меҳнат унумдорлигини ошириш йўли билан эришилди.

Жонажон малакатнинг қиёфаси ўзгариб бормоқда. 1344 та йирик корхона ишга туширилди. Улар орасида, — КАМАЗ ва «Атоммаш», Арманистон, Ленинград ва Чернобиль атом электр станциялари, Усть-Илим ва Тўхтағул ГЭСлари, Оренбург газ комплекси ва Лебедин кон-саралаш комбинати. Могилев шойи газлама комбинати, Тирасполь ва Шахти ип газлама комбинатлари, Курск кўнчилик заводи бор. Партиянинг техника тараққиётини белгилаб берувчи тармоқларни ривожлантириш, ёқилғи-энергетика базасини мустаҳкамлаш, аввало Уралда, Сибирь ва Узоқ Шарқда катта-катта территориал ишлаб чиқариш комплексларини вужудга келтириш йўли изчиллик билан амалга оширилмоқда. Байкал-Амур магистрали зарбдор суръатлар билан қурилмоқда.

Фан ва техника ютуқлари ишлаб чиқаришга актив жорий этилмоқда, корхоналар илғор техника негизида реконструкция қилинмоқда ва қайта ускуналанмоқда. Саноат маҳсулотининг 16 мингдан ортиқ янги турини кўплаб ишлаб чиқариш ўзлаштирилди ва бошлаб юборилди.

Қишлоқ хўжалиги муттасил ривожланмоқда. Уни экономиканинг юксак даражада ривожланган секторига айлантириш юзасидан катта-катта тадбирлар амалга оширилмоқда. Қишлоқ хўжалик меҳнатининг машина-механизмлар билан таъминланиши бир ярим баравар ўсди. Ерларни химиялаш ва мелиорациялаш кенг миқёсда ўтказилмоқда. РСФСРнинг Ноқоратупроқ зонасини обод қилиш умумхалқ иши бўлиб қолди.

1978 йил ҳосили учун бўлган умумхалқ жанги катта ғалаба билан якунланди — биринчи марта 235 миллион тонна дон ҳосили олинди. Қўриқ ерларнинг хўжаликлари ғалла етиштиришга салмоқли ҳисса қўшмоқдалар. Чорвачиликни янада ривожлантириш учун яхши замин яратилди.

Партия эришилган натижаларни қайд этиш билан бирга камчиликларни, ҳал этилмаган муаммоларни ҳам кўриб турибди. Биз капитал қурилишни анча яхшилашимиз, мамлакатнинг металл ва ёқилғига, қишлоқ хўжалик маҳсулотига ортиб бораётган эҳтиёжларини тўла-тўкис қондиришимиз, транспорт ишини такомиллаштиришимиз, план, технология ва меҳнат интизомини мустаҳкамлашимиз, ҳар бир ишда тежамкор бўлишимиз, меҳнат унумдорлигини ва ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишимиз лозим.

Партия билан халқнинг навбатдаги вазифалари КПСС Марказий Комитетининг 1978 йил июль ва ноябрь Пленумларида, СССР Олий Советининг сессиясида атрофлича кўриб чиқилди. Пленумларнинг қарорларида, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўрток Л. И. Брежневнинг нутқларида экономикамизни янада ривожлантиришнинг ҳамда халқ моддий ва маданий фаровонлигини ўстиришнинг энг муҳим йўналишлари белгилаб берилди. Бу режаларни амалга ошириш партия, совет, хўжалик ва жамоат ташкилотларининг, ҳар бир коллективнинг ҳар бир совет кишисининг биринчи галдаги бурчидир.

КПСС Марказий Комитети шаҳар ва қишлоқлардаги барча меҳнатчиларни СССР Олий Совети сайловини меҳнатда янги зафарлар билан кутиб олишга чақиради. 1979 йилни зарбдор меҳнат йилига айлантириш, шу йилги планларни ва умуман ўнинчи беш йилликни муваффақиятли бажариш учун бошланган умумхалқ социалистик мусобақасини кенг қулоч ёйдириш — бизнинг жанговар шиоримиздир!

**Ишлаб чиқариш самарадорлигини ва иш сифатини ошириш, халқ хўжалигининг барча тармоқларини муттасил юксалтириш партиямиз иқтисодий стратегиясининг бош йўли бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади. Совет кишилари коммунистлар билан партиясизлар блокининг номзодлари учун овоз бериб, шу тариқа ватанимизнинг иқтисодий ва мудофаа кудратини янада мустаҳкамлаш учун овоз берган бўладилар.**

Сайловчи ўртоқлар!

**Совет кишиларининг ўсиб бораётган моддий ва маданий эҳтиёжларини янада тўла-тўкис қондириш** — социалистик ишлаб чиқаришнинг олий мақсадидир.

Экономикани ривожлантиришдаги муваффақиятлар меҳнаткашларнинг турмуш даражасини оширишга самарали таъсир қилди, бир қанча йирик социал тадбирларни амалга ошириш имконини берди. Ўтган сайлов давридан бери аҳоли жон бошига реал даромадлар 20 процент кўпайди. Ишчи ва хизматчиларнинг ўртача иш ҳақи 19 процент, колхозчиларнинг меҳнат ҳақи эса 26 процент ошди, пенсия таъминоти яхшиланди. Ижтимоий истеъмол фондларидан бериладиган тўловлар ҳар бир киши ҳисобига йилига 312 сўмдан 404 сўмга етди.

Уй-жой қурилиши кенг миқёсда олиб борилмоқда. 54 миллион киши янги уйларга кўчиб чиқди. Бизда квартира ҳақи энг оз қилиб белгиланган ва ярим асрдан кўпроқ вақтдан бери ўзгартирилмай келинмоқда.

КПСС билан давлат совет кишиларининг сиҳат-саломатлигини муҳофаза этиш тўғрисида алоҳида ғамхўрлик қилмоқдалар. Касалхона ва поликлиникалар, курортлар, дам олиш уйлари ва пансионатлар тармоғи кенгаймоқда. Физкультура ва спорт ривожланмоқда. 1980 йилда ўтказиладиган Москва олимпиадасига актив тайёргарлик кўрилмоқда.

Меҳнаткашларнинг фаровонлиги доимо ўсиб бориши — турмушимизнинг равшан реаллигидир. Шу билан бирга баъзи бир озиқ-овқат ва саноат молларига бўлган талаб ҳали тўла-тўкис қондирилаётгани йўқ. маҳсулот сифатини бундан буён ҳам ошириш, унинг турларини кўпайтириш, аҳолига маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш ҳам керак. Партия билан давлат ана шу муаммоларни ҳал этишга интилмоқдалар, меҳнаткашларни зарур моллар ва хизматлар билан янада тўла-тўкис таъминлаш чораларини кўрмоқдалар.

**Халқ манфаатлари, унинг фаровонлиги тўғрисида ғамхўрлик қилиш — Коммунистик партия фаолиятидаги энг асосий мақсаддир. Коммунистлар билан партиясизлар блокининг номзодлари учун овоз бериш — совет кишиларининг турмуш даражасини янада ошириш учун, ҳар бир оиланинг фаровонлигини юксалтириш учун овоз бериш демакдир.**

Сайловчи ўртоқлар!

Совет Иттифоқида **фан, маориф, маданият** муттасил ривожланмоқда. Мамлакатнинг илмий потенциали ўсди. Бизнинг математика, физика, химия, биологиядаги ва илм-фаннинг бошқа кўпгина тармоқларидаги ютуқларимиз бутун дунёга яхши маълум. Фаннинг ишлаб чиқариш билан боғланиши мустаҳкамланмоқда. Қаҳрамон совет космонавтларининг давомийлиги жиҳатидан рекорд қўйган учишлари Ватанимиз фани ва техникасининг чинакам тантанаси бўлди. Биринчи марта ер атрофи орбитасида қардош мамлакатларнинг вакиллари иштирокида халқаро экипажлар ишлади. Коммунистик қурилишнинг энг муҳим муаммоларини тадқиқ этишда ижтимоий фанларнинг роли ортиб бормоқда.

Халқ маорифи системаси такомиллашмоқда. Ёшларга умумий ўрта таълим бериш амалга оширилганлиги зўр ижтимоий аҳамиятга молик воқеа бўлди. Ўрта ҳунар-техника билим юртлари икки ярим баравардан зиёд кўпайди. Мамлакатимизда 95 миллиондан зиёд киши таълимнинг ҳамма турларига жалб этилган.

Маданиятни ривожлантиришда катта-катта муваффақиятларга эришилди. Маданий қурилишда меҳнаткашларнинг ғоят кенг оммаси актив қатнашмоқда. Адабиёт ва санъатнинг янги-янги асарлари яратилди, улар олижаноб Коммунистик идеалларни, инсонпарварлик принципларини тараннум этади.

Меҳнаткашларнинг коммунистик эътиқодини ўстириш олға томон қиладиган ҳаракатимизнинг ҳал қилувчи шартидир. «Давлат омманинг онглилиги билан кучлидир деб, — таъкидлаган эди В. И. Ленин. — Омма ҳамма нарсани билиб, ҳамма масалани муҳокама қилиб, ҳамма ишни онгли суратда бажарганидагина давлат кучли бўлади». Шу сабабли партия идеология ишига, коммунизмнинг актив бунёдкори бўлмиш янги инсонни камол топтиришга жуда катта аҳамият бермоқда.

**Партия бундан буён ҳам шахсни ҳар томонлама камол топтириш тўғрисида, ғоявий-тарбиявий ишни доимо такомиллаштириш ҳақида тинимсиз ғамхўрлик қилаверади. Коммунистлар билан партиясизлар блокининг номзодлари учун овоз бериш — мамлакат маънавий ҳаётини янада равнақ топтириш учун овоз бериш демакдир.**

Сайловчи ўртоқлар!

Коммунистик партия жамиятимизни **ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш, демократияни такомиллаштириш, жамият ва давлат ишларини идора қилишга оммани кенг миқёсда жалб этиш** масалаларига ҳамиша эътибор билан қарамоқда.

СССРнинг социал асосини ташкил этувчи ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар ва халқ зиёлиларининг бузилмас иттифоқи янада мустаҳкам ва енгилмас иттифоқ бўлиб қолди. Барча синфлар ва социал группаларнинг ўзаро яқинлашиш жараёни давом этмоқда, жамиятимизнинг социал жиҳатдан бир хиллиги кучаймоқда, унинг маънавий-сиёсий бирлиги тобора кўпроқ мустаҳкамланмоқда.

Партиянинг ленинча миллий сиёсатини амалга оширишда янги муваффақиятларга эришилди. Барча иттифоқдош ва автоном республикаларнинг иқтисодий ва социал ривожланиш даражаси муттасил ошмоқда. Совет ватанпарварлиги ва интернационализмининг ҳаётбахш ғоялари одамлар онгига тобора чуқур сингиб бормоқда. Яхлит совет социалистик маданиятини ташкил этувчи бир-бирини ўзаро бойитиб бораётган миллий маданиятлар тобора гуллаб-яшнамоқда. Коммунистик партия мамлакатдаги барча миллат ва элатларни ҳар томонлама бирлаштириш ва яқинлаштириш йўлини бундан буён ҳам ўтказаберади, қардош халқларнинг улуғ ва бузилмас дўстлигини, ягона, қудратли Совет Иттифоқимизни мустаҳкамлай беради.

Социалистик демократиянинг Ленин ибораси билан айтганда ҳамиша тор, риёкор, ёлғончи, сохтакор бўлган, ҳамиша бойлар учун демократия, камбағаллар учун алдамчилик бўлиб қоладиган буржуа демократиясидан шак-шубҳасиз устунлигини ҳаёт тасдиқлаб турибди. У ерда, капитализм дунёсида одамни одам эксплуатация қилиши кучаймоқда, меҳнаткашларнинг ҳуқуқлари доимо поймол этилмоқда, иқтисодий танглик, пулнинг қадрсизланиши, сурункали ишсизлик давом этмоқда. Шафқатсизлик ва бедодлик, меҳнат аҳлининг тақдирига бефарқлик, ижтимоий аҳлоқнинг юз тубан кетганлиги ҳозирги буржуа жамиятининг қиёфаси ана шундай. Шу боисдан ҳам капитализмни эркин жамият деб кўрсатиш йўлидаги уринишлар айниқса ҳаёсизлик бўлиб кўринади. Йўқ, капитализм инсон ҳуқуларини бўғувчи жамиятдир. У келажакдан маҳрум жамиятдир!

Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари байроғи социализм байроғидир. Социализм шароитидагина тарихда биринчи марта демократия халқ ҳокимияти ва халқ учун ҳокимият бўлиб қолади. Фақат социализмгина одамларнинг гражданлик ва сиёсий тенг ҳуқуқлигини, инсоннинг чинакам эркинлигини пухта равишда гарантиялайди. Фақат социализмгина ижтимоий ҳаётнинг ҳамма соҳаларида демократия принципларини қарор топдиради.

СССРнинг янги Конституцияси гражданларнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва шахсий ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини анча кенгайтирди ва бойитди. Айни вақтда совет кишилари учун ҳуқуқлар мажбуриятлардан, эркинлик гражданлик масъулиятидан, шахсий манфаатлар ижтимоий манфаатлардан ажралмасдир.

СССРнинг сиёсий негизи бўлмиш халқ депутатлари Советлари ўз фаолиятида тузумимизнинг демократизмини тобора тўла-тўкис ифодалаб турибди. Янги Конституция қабул этилиши билан Советларнинг иши яна бир поғонага кўтарилди. Хўжалик ва маданий қурилиш масалаларини ҳал этишда уларнинг роли ортиб бормоқда. Миллион-миллион депутатлар, Советларнинг активлари доимо халқ орасида ишламоқдалар, давлатни идора қилиш сабоғини олмоқдалар.

Партия касаба союзлари, комсомол, барча оммавий ташкилотлар, меҳнат коллективларининг активлигини ҳар томонлама оширишни, танқид ва ўз-ўзини танқидни ривожлантиришни, жамоатчилик фикрини диққат билан ҳисобга олишни, меҳнаткашларнинг талаб ва эҳтиёжларига сезгирлик билан қарашни ўзининг бурчи деб ҳисоблайди. Мамлакатда СССР янги Конституцияси асосидаги қонунчилик ишларининг кенг программаси амалга оширилмоқда, халқ контролини кучайтириш, давлат интизомига, қонунчиликка ва ҳуқуқ-тартиботга қаттиқ риоя этиш юзасидан таъсирчан чоралар кўрилмоқда.

**Коммунистик партия бундан буён ҳам жамиятнинг сиёсий системасини такомиллаштириш тўғрисида тинимсиз ғамхўрлик қила беради. Коммунистлар билан партиясизлар блокининг номзодлари учун овоз бериш — совет халқининг бирлиги ва жипслигини янада мустаҳкамлаш учун, социалистик халқ ҳокимиятини муттасил ривожлантириш учун овоз бериш демакдир.**

Сайловчи ўртоқлар!

Биз бораётган йўл—тўғри, ленинча йўл эканига бунёдкорлигимизнинг бутун тажрибаси ишонч туғдирмоқда. Бу йўлда янги муваффақиятларга эришиш, программавий мақсадларни амалга оширишни таъминлаш учун **ривожланган социализм имкониятларидан тўла-тўкис фойдаланиш керак.** Шу имкониятларни рўёбга чиқаришда актив қатнашиш — коммунистлар, комсомолларнинг, барча совет кишиларининг шон-шараф ишидир.

КПСС Марказий Комитети ҳар бир совет кишиси ўзида коммунистик эътиқодни, актив ҳаётий позицияни, коммунизм қуришга тайёрлик, ирода ва маҳоратни ҳосил қилишини;

меҳнат унумдорлигини, самарадорлик ва сифатни ошириш учун сабот билан курашадиган, умумий иш учун ўзаро талабчанликни ва масъулиятни оширадиган, коллективчилик ва ўртоқлик руҳини ривожлантирадиган бўлишини;

билимларни, фан ва техника ютуқларини, илғор тажрибани қунт билан эгаллайдиган, ўзининг касб маҳоратини такомиллаштирадиган, ташаббус ва новаторлик кўрсатадиган бўлишини;

ҳамма ишда мамлакатнинг хўжайини эканлиги туйғусини намоён қиладиган, халқ бойлигидан оқилона фойдаланадиган, дон, металл, ёқилғининг ҳар бир килограммини тежайдиган, жонажон табиатни муҳофаза қиладиган бўлишини ҳаётий муҳим вазифа деб ҳисоблайди.

**Коммунистик партия қаҳрамон ишчилар синфини, шонли колхозчи-деҳқонларни, халқ зиёлиларини, барча совет кишиларини жамиятнинг иқтисодий, илмий-техникавий ва маънавий потенциалидан тобора самаралироқ фойдаланишга чақиради. Коммунистлар билан партиясизлар блокининг номзодлари учун овоз бериш — ватанимизнинг янада равнақ топиши учун, унинг коммунизм сари ғолибона ҳаракат қилиши учун овоз бериш демакдир.**

**Азиз хотин-қизлар! Советлар мамлакатининг шонли қизлари!**

Сизларнинг совет халқи ютуқлари ва ғалабаларига қўшаётган ҳиссангиз катта. Меҳнаткаш аёллар, оналар тўғрисида доимо ғамхўрлик қилиш—жамиятимизнинг энг муҳим қонунидир. Аёлларга ишлаб чиқариш ва жамоат фаолиятини бола тарбияси билан, оила юмуши билан қўшиб олиб бориш учун кенг имкониятлар бериб қўйилган. Партия билан давлат хотин-қизларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини бундан буён ҳам яхшилайверадилар, ижтимоий-сиёсий ҳаётда уларнинг ролини янада оширишни таъминлайдилар.

**Комсомоллар, йигит ва қизлар!**

Сизлар — кекса авлодлар қаҳрамонона ишларининг ворислари ва давомчиларисиз. Ленин комсомоли, совет ёшлари ҳамиша хўжалик ва маданий қурилишнинг зарбдор жабҳаларида бўлиб келганлар. Миллион-миллион йигит ва қизлар сайловда биринчи бор қатнашадилар. Комсомоллар, йигит ва қизлар ҳамиша ва ҳар ишда Ленин васиятларига амал қилишларига, Совет Иттифоқи граждани деган юксак номга муносиб бўлишларига партиянинг ишончи комил.

**Ҳурматли революция, уруш ва меҳнат ветеранлари!**

Сизлар Ватанга, партияга чексиз садоқатингиз билан халқнинг иззат-икроми ва ҳурматига сазовор бўлдингиз. Кўпларингиз ҳали ҳам меҳнат қилаяпсизлар, жамоат ишида, ёшларни тарбиялашда қатнашаяпсизлар, ветеранлар тўғрисидаги ғамхўрлик партия билан давлатнинг ижтимоий сиёсатида муҳим ўрин олиб турибди.

**КПСС Марказий Комитети комил ишонч билан айтадики, совет хотин-қизлари, ёшлари, ветеранларимиз коммунистлар билан партиясизлар блокининг номзодлари учун овоз берадилар, юксак сиёсий онгliliкларини, коммунистик бунёдкорлик умумий ишига муносиб ҳисса қўшишга интилаётганликларини намойиш қиладилар.**

Сайловчи ўртоқлар!

**Коммунистик қурилишнинг тинч шароитларини таъминламоқ** учун КПСС барча зарур ишларни қилиб келди ва қилмоқда.

Социализм ва тинчлик ажралмасдир. Советлар мамлакатининг ташқи сиёсати Лениннинг сулҳ тўғрисида декретидан то ҳозирги кунимизгача тинчликсеварлик руҳи билан суғорилгандир. Фашизм билан курашда ўзининг 20 миллион ўғил ва қизидан жудо бўлган халқимиз урушнинг нима эканлигини яхши билади. Шу боисдан биз учун мустаҳкам тинчликни сақлаб қолишдан кўра ҳам муқаддасроқ иш йўқ!

Партия билан Совет давлати КПСС XXIV съезди ўртага қўйган Тинчлик программасини ҳамда тинчлик ва халқаро ҳамкорлик учун, халқлар озодлиги ва мустақиллиги учун бундан буёнги курашнинг партия XXV съезди маъқуллаган программасини сабот билан муваффақиятли равишда амалга оширмоқдалар. Ер юзида тинчлик анча ишончлироқ бўлиб қолди, мамлакатимизнинг халқаро аҳволи эса ҳозир ҳар қачонгидан кўра ҳам мустаҳкамдир. СССРнинг ташқи сиёсатини ер юзидаги барча тараққийпарвар кучлар маъқулламоқда ва ундан мамнун бўлмоқда.

Совет Иттифоқи ялпи тинчликни мустаҳкамлашга, кескинликни юмшатишни чуқурлаштиришга, қуролланиш пойгасини тўхтатиш ва қуролсизланишга, турли ижтимоий тузумдаги давлатларнинг тинч-тотув яшаш принципларини қарор топдиришга қаратилган конструктив таклифлар комплексини ўртага қўйди. СССР империалистлар билан Пекин раҳбарларининг халқаро вазиятни кескинлаштириш, тарих ғилдирагини орқага — «совуқ уруш»га буриб юбориш йўлидаги уринишларига қарши сабот билан кураш олиб бормоқда. Партиянинг, совет халқининг тинчликка бўлган иродаси букилмасдир.

Жаҳон социализмининг позициялари мустаҳкамланди. Қаҳрамон Вьетнам халқининг ғалабаси тарихий аҳамиятга молик воқеа бўлди. Совет Иттифоқи, қардош мамлакатлар қаҳрамон Вьетнам халқига ҳар томонлама ёрдам ва мадад бериб келдилар ва ҳамон ёрдам ва мадад бермоқдалар. Лаос халқи социалистик давлатлар оиласига қўшилди. Варшава шартномасида қатнашувчи давлатлар сиёсий маслаҳат комитетининг Кенгашлари, қардош партиялар ва давлатлар раҳбарларининг Қримдаги учрашувлари социалистик ҳамдўстликни янада мустаҳкамлашдаги катта-катта босқичлар бўлди.

Советлар мамлакати — ўзининг озодлиги ва мустақиллигини курашда қаттиқ туриб ҳимоя қилаётган Осиё, Африка ва Латин Америкаси халқларининг содиқ ва ишончли дўстидир. Биз революцион демократик ўзгартишлар йўлига ўтиб олган Ангола, Эфиопия, Афғонистон, Кампучия ва бошқа мамлакатларнинг халқлари билан бирдамлигимизни ва уларни қўллаб-қувватлашимизни изҳор этамиз.

КПСС қардош партиялар билан алоқаларни ривожлантирмоқда, халқаро Коммунистик ва ишчилар ҳаракати бирлигини марксизм-ленинизм ва пролетар интернационализми принциплари негизида мустаҳкамлашга кўмаклашмоқда.

**Партия бундан буён ҳам кенг халқаро ҳамкорлик учун, замонамиздаги барча революцион, тараққийпарвар кучларни жипслаштириш учун курашаверади. Коммунистлар билан партиясизлар блокининг номзодлари учун овоз бериш — бизнинг бахтли турмушимиз учун, ер юзида тинчлик учун овоз бериш демакдир.**

Коммунистик партия билан Совет давлати тинчликсевар ташқи сиёсатни изчиллик билан амалга ошира бориб, айни вақтда мамлакат мудофаа қудратини ва унинг қаҳрамон Қуролли Кучларини мустаҳкамлашга доимо зўр эътибор берадилар. Партия шунга аминдирки, Армия ва Флотнинг шавкатли жангчилари бундан буён ҳам ўзларининг ватанпарварлик ҳамда интернационал бурчини муносиб суратда бажарадилар, жанговар тайёрликни ҳар томонлама оширадилар, социализмнинг революцион ғалабалари посбонлигида сергак бўлиб турадилар.

**КПСС Марказий Комитети сизларни, шонли совет жангчиларини коммунистлар билан партиясизлар блокининг номзодлари учун овоз беришга чақиради. Бу билан сизлар Коммунистик партияга, социалистик ватанга чексиз содиқ эканлигингизни яна бир бор изҳор этган бўласиз!**

Сайловчи ўртоқлар!

Бизнинг барча ютуқларимиз ва ғалабаларимиз совет жамиятининг раҳбар ва раҳнамо кучи — Коммунистик партия фаолияти билан боғлангандир. Партиянинг роли ва обрў-эътибори ўсди, унинг омма билан алоқалари кенгайди ва мустаҳкам бўлиб қолди. КПСС ижодий куч ва ғайратга тўлиб-тошган ҳолда ўзининг XXVI съезди сари бормоқда.

Партия марксизм-ленинизм таълимотига амал қилиб, халқни комил ишонч билан Коммунизм сари бошлаб бормоқда. Совет кишилари партиянинг доно сиёсатини, КПСС Марказий Комитетининг, Улуғ Ленин ишининг содиқ давомчиси, тинчлик ва коммунизм учун толмас курашчи ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги Марказий Комитет Сиёсий бюросининг самарали фаолиятини якдиллик билан қўллаб-қувватламоқдалар.

**КПСС Марказий Комитети айтадики, Коммунистик партия ҳамиша халққа астойдил хизмат қилади, совет кишиларининг бахт-саодати учун, севимли ватанимизнинг гуллаб-яшнаши учун, коммунизмнинг тантанаси учун ҳормай-толмай курашаверади.**

Сайловчи ўртоқлар!

Совет ҳокимияти олий органига бўлажак сайлов СССР янги Конституцияси қабул қилинганидан кейинги биринчи сайлов бўлади. Совет кишиларининг ишчанлиги, юксак даражадаги активлиги сайлов кампаниясига хос хусусиятлардир. Сайлов олди йиғилишларида ҳаётимизнинг энг муҳим масалаларини бутун халқ муҳокама қилмоқда, давлат, хўжалик ва жамоат ташкилотлари ишини янада яхшилашга қаратилган фикр-мулоҳаза ва таклифлар айтилмоқда. Сайловчиларнинг наказларини амалга ошириш партия органлари, халқ депутатлари советлари ишининг ғоят муҳим қисми бўлади.

**Азиз ўртоқлар, Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг гражданлари, КПСС Марказий Комитети сизларни коммунистлар билан партиясизлар блокининг номзодлари учун якдил бўлиб овоз беришга даъват этади. Сизлар овоз бериш билан октябрь ишига, партия ишига содиқлигингизни, КПСС XXV съезди режаларини амалга оширишга азму қарор берганлигингизни, ленинчасига, коммунистчасига яшаш, ишлаш ва курашишга интилаётганлигингизни яна бир карра намойиш қиласиз!**

## ҲАММА САЙЛОВГА

**Яшасин бизнинг Ватанимиз—Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи!**

**Яшасин Совет ҳокимияти!**

**Улуғ совет халқига шон-шарафлар!**

**Марксизм-ленинизм байроғи остида, Коммунистик партия раҳбарлигида—коммунизм ғалабаси сари олға!**

## *СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ*

